



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 10 июль, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 135 (12.696)

Баҳоси эркин нарҳда



Хунари гўзаллар

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ

Ёғоч ўймакорлиги миллий хунармандчилигимизнинг қадимий йўналишларидан биридир. Ота-боболаримиз хунарни ушбу турига катта эътибор қаратиб келишган. Қадимий иншоотларимиз ва масжиду мадрасалардаги эшик-дараза, устунлар ва бошқа ёғоч безаклар бунинг ёрқин исботидир.

Бугунги кунда ҳам хунармандчиликнинг ушбу йўналиши тобора ривожланиб бораётди. Замонавий биналарга мос қилиб ишланган эшиклар, устунлар, халқимизнинг узок йиллик тарихи, урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам этган буюмлар бундан далолат беради.

Шайхонтоҳур туманида истикомат қилувчи Раҳматилла Насриддинов ҳам ана шундай буюмлар ясаётган қўли гул хунармандларимиздан биридир. Уста томонидан ишланган санъат асарлари бугун кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Болалигимдан ёғоч ўймакорлигига қизиқман ва унинг сир-асрорларини кўнгил билан ўрганмоқдаман, — дейди Р.Насриддинов. — Бунда устозим Тохир Фозиев менга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Бугунги кунда хонтахта, лаган, ҳар хил қутичалар, қаламдон, лавҳ, курси ва бошқа турдаги буюмлар ясаб, уларга нақш туширмоқдамиз. Кўпгина кўрғазма ва танловларда иштирок этдим. «Ташаббус — 2014» танловининг Тошкент шаҳар босқичида қатнашиб, «Энг ёш хунарманд» номинациясида ғолиб бўлдим. Яқинда «Юрт келажиги» кўрмиш-танловининг шаҳар босқичида биринчи даражали дипломнинг соҳибига

бўлиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олдим. Келажакда ушбу хунарни пухта эгаллаб, устозларим сингари халқро танлов ва кўрғазмаларда иштирок этишни ҳамда ўзбек миллий хунармандчилигини дунёга танитишни мақсад қилганман.

Олдига улкан мақсадларни қўйиб ишлаётган ёш хунарманднинг устози билан бирга тайёрлаган буюмлари ҳатто фуқароларимиз, балки чет элдан келган меҳмонларнинг ҳам диққатини тортмоқда.

Таъкидлаш жоиз, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги самарасида юртимизда ушбу соҳа янада ривож топди. Авлоддан-авлодга, устадан-шогирдга ўтиб келаятган миллий хунармандчилигимизнинг баъзи унутилган турлари қайта тикланди ва бугунги кунда уларни ёш авлодга ўргатиш анъанаси давом этаётди.

Ёш хунармандларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, «Уста-шогирд» анъаналарининг янада кенгайиб, изчил давом этаётгани миллий маданиятимиз, хунармандчилигимиз ва санъатимизнинг янада ривож топишига хизмат қилмоқда.

Абдуллоҳ САЛИМОВ
Ислом Исмомов олган сурат

Жорий йил 5 — 6 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари — венгриялик мутахассислар ўз ватанларига қайтганларидан сўнг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида мазкур халқаро анжуман якунларидан қониқарли ҳис қилишганини айтдилар.

ВЕНГРИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҲАҚИДА

Аттила Киш, Венгрия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат маҳсулотлари илмий-текшириш институти Қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва инновациялар бўйича Миллий марказининг директори:

— Тошкентда бўлиб ўтган мазкур халқаро конференция ишида дунёнинг 40 мамлакати ва 20 та халқаро ташкилотидан қарийб 200 нафар хорижий мутахассиснинг иштирок этгани анжуманнинг юқори даражада ташкил қилинганидан далолат беради. Ушбу анжуман жаҳондаги етакчи молиявий ва илмий муассасалар вакиллариغا Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги жаҳондаги ривожлантириш бўйича стратегияси билан батафсил танишиш имкониятини яратиб берди.

Барчамизга маълумки, озиқ-овқат ҳимояси ва егулик маҳсулотларнинг хавфсизлиги барча мамлакатлар учун борган сари кўпроқ ва яна кўпроқ стратегик масалага айланаётди. Бинобарин, ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ишончилигини оширишга катта эътибор қаратишмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсат алоҳида эътиборга сазовордир.

Мамлакатларимиз бошқа-бошқа минтақаларда жойлашганига қарама-қарсисинан, бизлар бир-бирига ўхшаш тарихий ва иқтисодий шарт-шароитларга эгамиз. Бу омил бошқалардан фарқли ўлароқ, бизларнинг саёй-ҳаракатларимизга ва ўзаро ҳамкорлигимизнинг истиқболларига рағбат бахш этади. Моҳиятан, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасида кўпгина муштаракликлар бордир.

Давлатингиз раҳбарининг мазкур анжуманнинг очилиш маросимидаги нутқида иккита муҳим шиор эътиборини тортди. «Янги уй қўрмасдан туриб, эскисини бузманг» ҳамда «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун»

деган муҳим ҳаётий тамойиллар жамиятингиз ҳаётининг барча соҳаларини ислох қилишда чуқур ўйланган сиёсат олиб борилаётганидан далолат беради.

Эржебет Немеди, Венгрия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат маҳсулотлари илмий-текшириш институтининг Инновация ва лойиҳалар фаолияти бўйича маркази раҳбари:

— «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияга қадар бизнинг Ўзбекистон ҳақидаги билимларимиз тўлақонли бўлмаган экан — биз мамлакатингизнинг чуқур ўйланган озиқ-овқат дастури, бу борадаги тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиши кўламли ҳақида ислохотларнинг «Ўзбек модели»ни бугунгидек билмаган эканмиз. Биз теран англадикки, ҳақиқатан ҳам дунёда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иклим шароитларининг уйғунлиги тўғрисида юртингизда энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар етиштирилади. Шу маънода яна бир муҳим жиҳат диққатга молиқдир: мамлакатингиз озиқ-овқат саноатида генларни модификация қилиш технологияларидан фойдаланиш маъқулланмайдиган, бу Венгрия учун ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Ўйлашимча, озиқ-овқат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маҳсулдорлигини кучайтириш мақсадларига мамлакатларимиз аграр технологияларни модернизациялаш юзасидан тадқиқотлар олиб борилишида ўзаро ҳамкорлик қилиши мумкин. Биз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасида қўшма лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий заминнинг кенгайишига умид қиламиз.

«Жаҳон» АА

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини замонавий педагог кадрлар билан тўлдириш, таълим сифатини ошириш ва касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Парламент қўйи палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, битирувчиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида таълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамиятини янада юксалтириш, соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 116 минг 311 педагог касб-хунар коллежи ва академик лицейларда тахсил олаётган 1 миллион 600 мингдан ортиқ навқирон авлод вакиллари таълим-тарбия бермоқда.

Анжуманда таълим мазмуни ва сифатини янада ошириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш, умумтаълим фанларини касбга йўналтирган ҳолда ўқитиш, педагог кадрлар малакасини ошириш, ўқув амалиётини ташкил этиш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этишга доир долзарб вазифалар ҳусусида сўз юритилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги жами 1 минг 411 ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи ва уларнинг 25 филиалида тахсил олаётган ёшлар 2-3 тадан мутахассислик бўйича касб-хунар эгалламоқда. Уларнинг жамиятда муносиб ўрин топиши учун қўмаклашиш, бандлигини таъминлаш доимий эътиборда.

Ёшларнинг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Тижорат банклари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий

ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида коллежлар битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти мунтазам қўллаб-қувватланмоқда. Ёшларга бизнес-режа тузишдан тадбиркорликни юритишгача бўлган барча жараёнда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий қўмак берилмоқда. Шу кўнча 3 мингдан зиёд битирувчининг бизнес-лойиҳасига тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Навқирон авлоднинг бандлигини таъминлаш, уш томонлама шартномалар тузишда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, корхона ва коллежлар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори ўринбосари З.Худойбердиев. — Ўтган даврда бу борада амалга оширилган ишлар тахлили ютуқлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини кўрсатди. Бугунги кунда ушбу камчиликларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилан олindi.

Тадбирда «коллеж — корхона» ҳамкорлигини ҳаётга татбиқ этиш, бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар базасини мунтазам янгиллаб бориш, ёшларни ушбу маълумотлардан хабардор этиш, вақтинча ишсиз аҳоли, хусусан, ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича ўқитиш масалалари ҳусусида фикрлашилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Ўзпахтасаноат» уюшмасида Маънавият тарғи-

бот маркази Яккасарой туман бўлими томонидан Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекисто-

ним!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Ҳамза қурилиш касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги 260-умумтаълим мактаби қошидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Спорт соғлиқ гаровидир» деб номланган спорт мусобақаси бўлиб ўтади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Юрт келажиги» иқтидорли ёшлар танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда архитектура ва дизайн, либослар дизайни, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, адабиёт ва публицистика ҳамда тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича 340 нафар фаол ва ташаббускор йигит-қиз иштирок этди.

• Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги «Хонқа чевар» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. «Агробанк»нинг Хонқа филиалидан олинган 80 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига замонавий трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқариш технологияси ўрнатилди. Корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати йилдан йилга ортимоқда. Замонавий технологиялар маҳсулот турини кўпайтириш имконини берди.

• Йирик алоқа оператори — «Beeline» («Unitel» МЧЖ ва «Buzton» ҚК) компаниянинг 8 йиллиги арафасида жорий йил якунига қадар давом этадиган янги акциясини эълон қилди. «Инновация» деб номланган ушбу акцияда фақат «Beeline» абонентлари иштирок этади. Иштирокчилар 6 ой давомида катта миқдордаги пул маблағлари ва ҳар ойда битта квартира ютиб олиш имкониятига эга бўлишади.

• Давлат солиқ қўмитаси томонидан Республика Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг www.tekshirishlar.uz сайти яратилди.

ЖАҲОНДА

• Бугунги кунда дунёда альцгеймер касаллиги (мия фаолиятининг сўниши аломатларидан бири) билан 27 миллион киши азият чекумда. Экспертларнинг айтишича, 2050 йилга бориб, бу хасталикдан оғриган беморлар сони тўрт баравар ошиши мумкин. Афсусланарли томони шундаки, ханузгача мазкур касаллиқнинг келиб чиқиш сабаби ва уни даволаш йўллари топилган эмас.

• Канаданинг Британия Колумбияси музофотида яшовчи етти ёшли болакай чинакам дўстлик намунасини кўрсатди. Гап шундаки, у болалар мия шолоига чалинган энг яқин ўртоғини даволатиш учун 53 минг доллар йигди.

• Ла-Манш бўғози орқали Франция ва Буюк Британияни боғловчи туннельда поездлар қатнови бир кунга тўхтаб қолди. Ер ости йўлидаги оператор билан боғловчи тармоқда носозлик юзага келган. Шу боис 382 нафар йўловчи поезддан тушиб, қўшимча туннель орқали пиёда кетишга мажбур бўлган.

2014 йил — Соғлом бола йили



Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Футболимиз келажаги» спорт мусобақасининг туман босқичи ўтказилди. Унда саккизта жамоа ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Футбол

БОЛАЛАР — СПОРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Тумандаги «1-Чарх Камолон», «2-Чарх Камолон», «Олмазор», «Нўғайқўрган», «Кичик Хирмонтепа» ва Лутфий маҳаллаларида истиқомат қилувчи 9-10, 11-12 ҳамда 13-14 ёшли болалардан ташкил толган жамоаларнинг баҳслари қизгин ва ҳаяжонли дақиқаларга бой тарзда ўтди.

— Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлини билан ҳамкорликдаги «Футболимиз келажаги» мусобақалари ҳар йили анъанавий равишда ўтказилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлини масъул Вояга етмаганлар ва спорт ишлари бўйича мутахассиси Тоҳир Жўрабоев. — Жорий йилги мусобақа «Соғлом бола йили» Давлат дастури ихроси йўлида юқори савияда ўтди. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук, ҳар томонлама баркамол этиб вояга

етказиш амалга ошираётган тадбирларимиздан қўзланган асосий мақсаддир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлини раиси ўринбосари Ихтиёр Пиримовнинг таъкидлашича, «Футболимиз келажаги» спорт мусобақаси ғолиблари билан бир қаторда унда фаол қатнашган иштирокчиларни ҳам муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга хизмат қилган футбол мусобақасининг якуний натижаларига кўра, 9-10 ёшлилар ўртасида «1-Чарх Камолон» маҳалласи жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. 11-12 ёшлилар ўртасидаги баҳсларда эса «Олмазор» маҳалласи пешқадамликни қўлдан бермай, биринчи ўринни эгаллади. Ушбу жамоа аъзолари юқори натижани қайд этиб, рақиблар дарвозасига энг кўп гол киритишди.

Ушбу ёш тоифаси бўйича иккинчи ва учинчи ўринларни 1-ҳамда «2-Чарх Камолон» маҳаллаларининг вакиллари қўлга киритишди. 13-14 ёшлилар ўртасидаги қизгин мусобақада «Кичик Хирмонтепа» маҳалласи жамоаси аъзолари учинчи ўринни банд этишди.

Ғолиб сифатида биринчи ўринни эгаллаган жамоаларга мусобақа кубоги ва медаллар тақдим этилди. Иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлган жамоалар ҳамда фаол иштирок этган маҳалла жамоаси вакиллари ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлик ва спорт жиҳозлари билан тақдирланди.

Ғолиб жамоалар «Футболимиз келажаги» спорт мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Ислом Исмоилов олган суратлар

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ БАҲС
ЮРИТДИ

Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласида жойлашган спорт мажмуасида мини-футбол ва стол тенниси бўйича спорт мусобақаси ўтказилди.

Ушбу мусобақа Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ихроси таъминлаш ҳамда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилди. Маз-

кур беллашувда 200 нафарга яқин қатнашчи — 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган маҳалла ўсмирларидан иборат ёш жамоалар ғолиблик учун ўзаро куч синашди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга қарати-

лаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, юртимиз ёшлари янги ва замонавий шарт-шароитлар, қулай имкониятлар асосида маҳаллалардаги спорт мажмуаларида жисмоний тарбия машғулоти билан мунтазам шуғулланишмоқда.

Ҳамза туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази мутахассиси Дилмурод Мирзаевнинг таъкидлашича, спорт билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Қизгин ва ҳаяжонли дақиқаларга бой тарзда ўтган спорт мусобақаси сўнггида жамоавий ва яккалик баҳсларнинг ғолиблари аниқланиб, улар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ

МУНОСИБ
НОМЗОДЛАР
ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг спорт мактабларида мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

СОҒЛОМ ОИЛА — ЮРТ
ТАЯНЧИ

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур мусобақанинг бу йилгида тумандаги «Халқобод», Амир Темур, Нилуфар, «Ёрқин», «Иттифок» ва «Қипчоқ» маҳаллаларидан вакиллар иштирок этди. 30-45 ёшдаги ота-оналар 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган фарзандлари билан бир жамоа бўлиб қатнашди.

— Мусобақани ўтказишдан қўзланган мақсад ҳар бир оилада жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом этиб вояга етказиш, маҳалла ва оила ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашдан иборатдир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сергели туман бўлини масъул мутахассиси Дурдона Тўраева.

Дарҳақиқат, шаҳримиздаги кўпгина маҳаллаларда спорт майдонлари ва иншоотлари қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бу эса оилавий спорт билан шуғулланиш имконини беради.

Тадбир иштирокчилари шахмат, шашка, «Тусиқлар ошиш», «Арқон тортиш» ва спортнинг бошқа турлари бўйича беллашди.

Якуний натижаларга кўра «Халқобод» маҳалласидан Накиевлар оиласи биринчи, Амир Темур маҳалласидан Қодировлар оиласи иккинчи, Нилуфар маҳалласидан Эшқувватовлар оиласи учинчи ўринни эгаллашди.

— Мазкур оилавий спорт тадбирида ғолибликни қўлга киритганимиздан хурсандмиз, — дейди «Халқобод» маҳалласидан Мусо Накиев. — Шунга ўхшаш мусобақалар тез-тез ўтказиб турилса фарзандларимизнинг нафақат саломатлиги, балки бўш вақтларини мазмунли тарзда ўтиши ҳам таъминланади.

Тадбир сўнггида турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган жамоаларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Зафар НАЗАРОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 5632007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинганҲажми — 2 босма табоқ. офсет усулида босилади.
6568 нускада босилди.
Қозғоқ бичими А-2Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИБизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 756

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уйБош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Ёз — ўтмоқда сўз

Тўғарақлар самарали
фаолият кўрсатмоқда

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда пойтахтимиздаги ўрта умумтаълим мактаблари қошида 36 та кундузги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилиб, уларда 16 минг нафар ўқувчини дам олдириш режалаштирилган. Жумладан, Чилонзор туманидаги 182-умумтаълим мактаби қошидаги «Юлдузча» соғломлаштириш оромгоҳида ҳам ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ва мароқли ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд.

— Бизнинг оромгоҳда 120 нафар болажонлар мароқли дам олишмоқда, — дейди 182-умумтаълим мактабининг директор ўринбосари Нигора Бобонова. — Оромгоҳда ташкил этилган ўндан ортиқ тўғарақ ҳамда спорт машғулотида ўқувчилар фаол иштирок этиб, уларнинг ақлий салоҳияти ҳамда ижодий қobiliятини янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Таълим муассасалари қошида ташкил этилган оромгоҳларда ўқувчиларнинг билимларини оширишга ва жисмонан чинқиришга айнасқа, катта эътибор қаратилган. Ўқувчилар ўзлари яратган ижодий ишларини кўргазмалар намойишига қўйиш баробарида, ўтказилаётган турли мусикий кўрик-танловларда қobiliят ва истеъдодини кўрсатишга муваффақ бўлмоқдалар.

Шундай намунали оромгоҳлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги 102-умумтаълим мактаби қошида фаолият юритаётган «Гунча» кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳидир.

— Ушбу оромгоҳда етти ёшдан ўн бир ёшгача бўлган болажонлар ҳордиқ чикармоқдалар, — дейди болалар тарбиячиси Умида Бобонова. — Кундузги оромгоҳлардаги «Моҳир қўллар», «Музыка», «Расм чиқиш», «Шахмат-шашка», «Бадий гимнастика» каби тўғарақларнинг фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш мақсадида бу ерга малакали ўқитувчи ва мураббийлар жалб этилган. Эътиборлиси, оромгоҳларда яратилган барча шарт-шароитлар ўқувчиларнинг мазмунли ҳордиқ олишлари баробарида уларни 2014-2015 ўқув йилини янги куч, янги гайрат билан муваффақиятли бошлашларига замин ҳозирлайди.

Ситора ЭЛБОЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ
ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан 2013 йил 10 сентябрдан бошлаб онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахслар қўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун пойтахтимиздаги кўп қаватли уйлардаги квартиралар ҳақида 18-шаклдаги маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун аризалар odnokno.uz интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади.

Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, кўрсатилган хизмат учун тўловни «Ипотека банк»нинг барча бўлимларида амалга ошириш ҳамда тайёр бўлган маълумотномани белгиланган муддатда олиб кетиш мумкин. Аризанинг ижросини қўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш мумкин.



38-40 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 11 ва 12 июль эрта-

Тошкент шаҳрида 11 июль кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғинларчи муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Ифода шомол эсади. Ҳарорат лосланиш тағйиқдори паст кечаси — 23-25, кундузи — бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ